

THE CONCEPT OF "CULTURE" IN TRANSLATION STUDIES

Raupova Muhayyo Nasirovna

Lecturer at the Uzbek State University of World Languages

In recent years, there has been a growing focus on the relationship between culture and translation. This is because most scholars emphasize in their work that it is effective to consider the issues of culture and translation together, in an interconnected way. For example, L.V. Kushnina studies translation as a self-evolving and self-organizing system in the process of interaction of languages and cultures (Kushnina: 2004, 22-24). The researcher examines the nature of meaning, identifying ways to “harmonize” text content in different languages and cultures. In viewing the interdependence of language, translation, and culture, it was appropriate to focus on the definition of the concept of “harmonization of the translated text” and to define the interrelationship of its concepts of equivalence and adequacy.

ТАРЖИМАШУНОСЛИҚДАГИ “МАДАНИЯТ” ТУШУНЧАСИ

Раупова Муҳайё Насировна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари университети ўқитувчиси

Сўнги йилларда маданият ва таржима ўртасидаги муносабатларга эътибор кучайди. Бунга сабаб маданият ва таржима масалаларини бирга, ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш самарали эканлигини аксарият олимлар ўз ишларида алоҳида таъкидлаб ўтишади. Масалан, Л.В. Кушнина таржимани тиллар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида ўзидан-ўзидан ривожланидиган ҳамда ўзини-ўзи ташкил этадиган система сифатида ўрганади (Кушнина: 2004, 22-24). Тадқиқотчи маъно табиатини қараб чиқади, турли тил ва маданиятларда матн мазмунининг “уйғунлашуви” усуллари аниқлайди. Тил, таржима ва маданиятни ўзаро боғлиқликда кўриш асносида “таржима матнининг уйғунлашуви” тушунчасининг таърифи устида тўхталиб, унинг эквивалентлик ва адекватлик тушунчаларининг ўзаро муносабатини аниқлашга мувофиқ бўлган.

Мазкур мақолада “маданият” тушунчасининг таржимашуносликдаги талқини ҳақида фикр юритимокчимиз. Бошқа соҳалар қаторида таржимашуносликда ҳам айтилган тушунчадан кенг фойдаланилади. Тилга олинган тушунчани таржима назарияси кўлланишини англаш ва уни ҳисобга олиш учун “маданият” тушунчасининг ўзига хос ва таржимага тааллуқли хусусиятларни аниқлаш лозим.

Маданият тушунчаси характериға кўра умумий ва махсус кўринишларға эға. Уларнинг ўзаро муносабати масаласи маданиятға тегишли жиҳатларни ўрганиш энг муҳим ҳисобланади. Ҳар бир хусусий маданият мазмунида универсаллик мавжуд. У ўзини онг структураларининг универсаллиги (қаранг: Гуссерль), инсониятнинг психологик бирлиги (қаранг: Юнг), ерда истиқомат қилувчи социумнинг қадимдан мавжуд ўқ бўйлаб ҳаракат қилувчи маданияти сифатида намоён бўлади. Унинг бошқа барча турлари унинг фақатгина хусусий кўринишларидан иборатдир (Заботкина: 1991, 18 - 19).

Маданиятнинг универсаллик ва хусусийлиги муносабатлари умумий ва хусусий диалектика қонунининг кўриниши сифатида қаралади.

Маданият умуминсоний феномен ҳисобланади. Шу сабабдан миллий маданиятлар муайян даражада ва аксарият элементларида (турдош маданият) сифатида мос келади.

Инсоният маданиятида яратиладиган ҳамма нарса ҳам жойи, вақти, даври ҳамда цивилизациясида фарқланавермайди. Бироқ маданиятнинг ривожланиши кўп конкрет шароитларға боғлиқ, шунинг учун маданият ўзига хос жиҳатға эға. Ундаги мос келмайдиган жиҳатларни уни тушунишға, самарали мулоқот қилишға тўсқинлик қилади. Шунинг учун таржимонни биринчи

навбатда мана шу мос келмаслик нуқталари ва ҳолатлари қизиқтиради, чунки маданиятнинг мос келадиган жиҳатлари таржимада муаммо туғдирмайди.

Маданиятлар воситасида кўп асрлар давомида эътиборга сазовор ғоялар, тимоллар, кадрятлар, эътиқодлар, анъаналар, ўзини тутиш норма ва қонун-қоидалари таржима қилиб келинган. Буларга турли тиллардаги афоризмлар, мақол ва маталлар, эътиборга молик афсоналар, ривоятлар, трактатлар ва шу кабиларнинг таржималарини киритиш мумкин. Шулар асосида кишилар тўпланган ва мавжуд билимларига янгисини қўшиб ўзларининг ҳаёти ва фаолиятини ташкиллаштиради. Шу йўл билан маданият кишилар ўртасидаги самарали мулоқотни таъминловчи каналга айланади. Универсаллик хусусияти эса ҳар қандай хусусий маданият мазмуни таркибида мавжуд бўлади. Миллий маданиятларнинг универсал қисми самарали коммуникация ёки мулоқот асоси ҳисобланади, унинг бўлиши энг муҳим шартлардан биридир.

Маданиятлар маданият турларига эга. Масалан, миллий маданиятлар, антик маданият, Яқин Шарқ маданияти, Шарқ маданияти, Хитой маданияти, Европа маданияти ва шу кабилар. Маданиятлар доим бир-бири билан мулоқотда ва алоқада бўлади. Мулоқотда ва алоқада бўлган маданиятлар бир-бирини бойитади. Таржима жараёнида қайси маданият вакиллари бир-бири билан алоқага киришаётганини доим ҳисобга олиш лозим. Бу ўз навбатида таржима муаммолари пайдо бўлганда уларни муваффақиятли ҳал этиш гарови ёки кафолати бўла олади.

Агар маданиятларнинг ривожланиши ҳамда такомиллашиши диахрон жиҳатдан узвийлик билан таъминланса, синхрон ёки географик жиҳатдан эса функцияни бу маданиятларнинг бир-бирига сингиш ёки ўтиш ҳамда ўзаро бойитиш жараёни бажаради. Бу ҳодиса аксарият ҳолларда “аккультурация” термини билан маълум. Турли маданиятлар ўзаро алоқада бўлиб, ўзаро таъсир этиб, бир-бирига сингиб, бошқа маданият элементларини ўзига олади (Литвин: 1994, 68).

Бирорта ҳам маданият бошқа миллатлар жамоаси қўлга киритган моддий ва маънавий ютуқлардан тўлиқ ажралган ҳолда, яққаланиб мавжуд бўла олмайди. Ҳар бир халқ муайян даражада у ёки бу шаклда бошқалар тажрибасини қабул қилишга ва айна пайтда ўзининг кадрятлари билан баҳам кўришишга тайёр ҳисобланади.

Шу сабабдан сўнги йилларда бир томондан глобалзацияга интилиш, иккинчи томондан муқаррар бевосита алоқа ёки маданиятлар диалогига интилиш тенденцияси кузатилади (Библер: 1989, 43 - 44), бошқа томондан, бир миллат маданияти доирасидагина эмас, балки умуман турли миллат маданиятлари ўртасида миллий ва маданий масалаларда зиддиятлар чиқиб турибди.